

Ўзбекистон Президентининг Германияга ташрифи иқтисодий ҳамкорлигимизни кенгайтиришга хизмат қилади



Германия тараққиёт банкининг KfW Тошкентдаги Марказий Осиё бўлими директори Андреас Шнайдер: Ўзбекистон Президентининг Германияга ташрифи молия-банк соҳаларида ҳам икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга кучли туртки беришини таъкидлади.

- Юқори даражадаги ташриф мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиради. Германия тараққиёт банки KfW Ўзбекистон ва Германия ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ўйлга қўйиш, ахоли турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашишга тайёр.

Мамлакатингизда уч йўналиш, хусусан, соғлиқни сақлаш, меҳнат бозори ва шаҳарсозлик тизимини такомиллаштириш ҳамда сув таъминотини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини юқори баҳолаймиз.

Бугунги кунда Германия тараққиёт банки KfW соғлиқни сақлаш соҳасида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлашнинг барча тармоқларини рақамлаштиришни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, пандемия оқибатларини бартараф этишга кўмаклашиш бўйича фаол чора-тадбирлар кўрмоқда.

Банкимиз томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилишини, шунингдек, мамлакат барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлашини яна бир бор эслатиб ўтаман.

Манба